



2019 йил «19» март

№ 1316 -К

Urgut sh. – г.Ургут

Ургут тумани Бекравот маҳалласи
худудидан танлов ғолиби Мелиев Самандар
Ҳошимовичга иссиқхона иншооти ташкил
қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги “Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5552-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июндаги “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини доимий фойдаланишга беришнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 493-сонли қарорига асосан Ургут тумани ҳокимининг ер участкасини аукционга чиқариш тўғрисидаги 2018 йил 20 сентябрдаги 2487-сонли Қарори билан аукционга кўйилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюросининг 2019 йил 4 февралдаги “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” аукцион натижалари тўғрисидаги № YU0715-000004-сонли баённомасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюросининг 2019 йил 4 февралдаги “Электрон-онлайн аукционларни ташкил этиш маркази” аукцион натижалари тўғрисидаги № YU0715-000004-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинсин.
2. Аукцион ғолиби Мелиев Самандар Ҳошимовичга иссиқхона иншооти ташкил қилиш учун Ургут тумани Бекравот маҳалласи худудидан № 1718236-ZU/01708-рақамли 0,04 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Аукцион ғолиби Мелиев Самандар Ҳошимовичга туман ҳокимлиги билан “Аукцион мажбуриятларини бажариш тўғрисида” шартнома тузиш, шартнома мажбуриятларини белгиланган муддатида бажариш, мажбуриятлар

бажарилмаган тақдирда, шартнома белгиланган тартибда бекор қилиниб, ер майдони қайтариб олиниши тўғрисида огохлантирилсин.

4. Аукцион ғолиби Мелиев Самандар Ҳошимовичга қурилиш ишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги № 370-сонли қарорида белгиланган тартибда амалга ошириш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Д.Баҳриев)га ажратилган ер майдонини тасдиқланган бош режа асосида жойнинг ўзи (натура)да кўрсатиб бериш, далолатнома тузиш ва туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли тартибда ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

6. Туман Архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Ашуров)га танлов ғолиби Мелиев Самандар Ҳошимович томонидан олиб бориладиган қурилиш ишларини тасдиқланган лойиха-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

7. Самарканд вилоят ер тузиш ва кўчмас давлат корхонаси Ургут туман филиали (Б.Умаров)га танлов ғолиби Мелиев Самандар Ҳошимовичга ажратилган ер майдонига бўлган ҳуқуқни белгиланган тартибда Давлат руйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари (У.Ўроков, Н.Намозов) зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими



М.Турдиев